

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336:338.2 (575.1)**

ҲАКИМОВ ҲАКИМЖОН АБДУЛЛО ЎҒЛИ

**ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит
08.00.02 – Макронқтисодиёт**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий
даражасини олиш учун тайёрланган
ДИССЕРТАЦИЯ**

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. М.Эшов

Тошкент – 2021

1033

МУНДАРИЖА

КИРИШ (диссертация аннотацияси).....	3
I БОБ. МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА УНДА МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ – НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	13
1.1. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг моҳияти ва унда молиявий механизмлардан фойдаланиш зарурати.....	13
1.2. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда “бюджет қоидалари” ва “монетар қоидалар” дан фойдаланишнинг аҳамияти.....	33
1.3. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражасини ва давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизигини аниқлаш зарурати.....	50
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	64
II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШНИНГ МОЛИЯВИЙ МЕХАНИЗМЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АМАЛДАГИ ХОЛАТИ.....	66
2.1. Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш амалиёти таҳлили.....	66
2.2. Ўзбекистонда давлат қимматли қоғозлари бўйича даромадлилик эгри чизигининг шаклланиши ҳолати.....	80
2.3. Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришда давлат қарзининг оптимал даражаси.....	93
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	106
III БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА МАКРОИҚТИСОДИЙ СИЁСАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА ПРОГНОЗЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	108
3.1. Макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришнинг ташкилий-молиявий механизмларини такомиллаштириш йўллари.....	108
3.2. Макроиқтисодий сиёсат кўрсаткичларини прогнозлашнинг замонавий моделлари.....	122
3.3. Ўзбекистонда макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлик кўрсаткичларини ўрта муддатли прогнозлаш.....	140
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	153
ХУЛОСА	154
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	157
ИЛОВАЛАР.....	169

КИРИШ (диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳоннинг барча мамлакатлари макроиқтисодий сиёсатининг бош мақсади иқтисодиётни барқарорлаштиришга қаратилган. Барқарорлаштириш чоралари эса пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати соҳасидаги воситаларни қўллаш орқали амалга оширилмоқда. Бунда фискал ва монетар идораларнинг мазкур сиёсат воситаларини қўллашдаги пировард натижалари аксарият ҳолларда ўзаро зиддиятли бўлиб қолмоқда. «2010-2018 йилларда дунё марказий банкларининг тахминан 5-10 фоизи ҳар йили фискал идораларнинг аралашувига дуч келган, 39 фоиз мамлакатларда эса ҳеч бўлмаганда бир марта бу ҳодиса учраган. 2019 йилда эса дунё марказий банкларининг 14 фоизи ўз мамлакатларидаги фискал идоралар устунлиги билан тўқнашган. Аралашув, деярли ҳар доим пул-кредит сиёсатини юмшатиш учун амалга оширилган»¹. Бу эса глобал миқёсда нархлар даражаси ошиб боришига туртки берган. Глобал инқироз ва ундан кейинги шароитларда ушбу хавфнинг юқори даражада ўсиш эҳтимоли мавжуд.

Бугунги кунда жаҳонда пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсати органлари ўртасида мувофиқлаштириш механизмига эҳтиёж макроиқтисодий сиёсатнинг исталган якуний мақсадларига эришиш учун зарур ҳисобланиб, макроиқтисодий сиёсат, шу жумладан фискал ва монетар сиёсатни мувофиқлаштириш механизмини такомиллаштириш бўйича комплекс тадқиқотлар олиб бориш муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, инқироз шароитида бунга эришиш инқироздан кейинги шароитларнинг барқарорлик касб этишига ҳам замин яратади. Мамлакатимизда макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш билан боғлиқ масалалар юртимизда ушбу соҳада илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, пухта ўйланган ташқи қарз сиёсатини амалга ошириш, давлат ва маҳаллий

¹Carola Conces Binder (2019). «Political Pressure on Central Banks», <http://econbrowser.com/archives/2019/07/guest-contribution-political-pressure-on-central-banks>.